

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ  
ТОМОНИДАН АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН  
АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАР ТАҲЛИЛИ**

**Содиқов Сардорбек Розикжон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

***Аннотация.** Ўзбекистон Республикасида аҳолининг турмуш фаровонлигини ва даромадларини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Тижорат банклари томонидан аҳолининг турли қатламларига тижорат ва имтиёзли шартлар асосида кредитлар таклиф этилмоқда.*

Тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликлар кредит шартномасининг сонидан қатъи назар берилиши қайд этилди. Бундан ташқари, ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлашда банк кредитларининг ўрни ошириш мақсадида, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда асосий эътибор, ҳудудларда янги иш ўрни яратишга, хизматлар кўрсатиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширига қаратилган кичик лойиҳалар ҳамда аҳолини доимий даромад манбаларини шакллантириш мақсадларга қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 19 апрелда «Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 300 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси ажратилади. Лойиҳаси белгиланган мезонларга тўғри келадиган ҳар қандай тадбиркор кредит олиши мумкин, аммо имтиёзли кредит миқдори субъектнинг фаолият юритиб келган даврига боғлиқ, усусан,

6 ойгача фаолият юритган тадбиркорларга - 1 миллиард сўмгача;

- 6-12 ой – 2 миллиард сўмгача;
- 1-2 йил – 3 миллиард сўмгача;
- 2-3 йил – 4 миллиард сўмгача;
- 3 йилдан кўпроқ – 5 миллиард сўмгача.

Имтиёзли кредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалардаги барча лойиҳалар учун ажратилмоқда, бироқ юқорида қайд этилганидек, айрим мезонлар ҳам бор. Жумладан, ушбу ташаббус доирасида қурилиш, савдо, воситачилик соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларга ҳамда айланма маблағларни тўлдириш ҳолатлари учун кредитлар берилмайди.

Мезонларга жавоб берадиган субъектлар эса йиллик 14%да, 5 йил муддатга (шу жумладан, 2 йиллик имтиёзли давр билан) кредит олиш имкониятига эга.

Жорий этилган кредитлаш механизмининг муҳим жиҳатини қайд этиш зарур – кредит маблағларининг камида 70 фоизи Нукус шаҳридан, вилоятларнинг маъмурий марказларидан ва вилоят бўйсунувида бўлган шаҳарлардан ташқари ҳудудларда фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорларга ажратилади. Шу йўл билан, қишлоқ жойларда бизнес ва инфратузилмани ривожлантириш, иш ўринлари яратиш рағбатлантирилади.

Бундан ташқари Республикамизда иқтисодиётини ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш мақсадида, хизмат кўрсатиш соҳасида ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш ва кичик тадбиркорлик субъектларига 50 млн сўмгача гаровсиз кредит беришни жорий қилиш амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Сўнгги йигирма йил ичида бутун дунё бўйлаб аҳолининг қарз юки кескин ўсиб бормоқда. Глобал молиявий инқироз натижасида юқори даражадаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги ПҚ-39-сонли “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.

қарздор оилаларда истеъмолининг тез пасайиши, иқтисодиётда ялпи талабни қисқаришига сабаб бўлди. Бундан ташқари, инқироздан бери қарз юки даражаси янги юқори даражага чиқишда давом этди. Бу эса, табиийки, назарий ва эмпирик нуқтаи-назардан аҳолининг қарзи ва истеъмоли ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқотлар ўтказишни талаб этмоқда.

Ҳозирда банклар томонидан берилаётган кредитларни самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, банк портфелидаги ошиб бораётган муаммоли кредитларни олдини олиш, иқтисодиёт реал секторини максимал даражада қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектларига кредит олиш жараёнида қулайликлар яратиш, аҳолига кўрсатиладиган банк хизматлари ва ажратиладиган кредитларни самарали бошқариш банкларнинг кредит сиёсатига боғлиқ ҳисобланади.

Кредит сиёсати банкларнинг актив операцияларини амалга оширишдаги фаолиятини тартибга солади, кредит маҳсулотлари бозорида банклар фаолиятининг асосий тамойилларини ўз ичига олади. кредит сиёсати банк фаолияти стратегиясининг ажралмас элементи бўлиб, юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар билан кредит муносабатларини ташкил этиш, корпоратив ва чакана кредитлаш соҳасида мақсадларни белгилаш, уларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни кўриш ёндашувларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида банклар чакана бизнесининг асосий талаби - миқдорлар эҳтиёжини қондиришга қаратилган эътибор ва кучли рақобат шароитида уларнинг эҳтиёжларига доимо мослашишни талаб қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда, чакана кредитлаш соҳасида, бозор эҳтиёжларига мос ва тезкор равишда ўзгариши мумкин бўлган банк маҳсулотлари ассортиментини, шунингдек, ҳар бир хизмат кўрсатиш марказида ҳар қандай молиявий хизматларни тақдим этиш имкониятларини кўриб чиқиши лозим бўлади.

Тижорат банкларида кредитлашни самарали бошқаришнинг асоси кредит портфелини бошқариш бўлиб, у бутун портфел рискни минималлаштиришга хизмат қилади. Тижорат банкларининг кредит портфелини, хусусан чакана

кредит портфелини таҳлил қилиш орқали банкларнинг чакана кредитлаш фаолиятига баҳо бериш мумкин.

**1-жадвал**

**“Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўзгариши”<sup>2</sup>,  
(миллиард сўм)**

<b>Кўрсаткич номи</b>	<b>2018 й.</b>	<b>2019 й.</b>	<b>2020 й.</b>	<b>2021 й.</b>	<b>2022 й.</b>	<b>2022 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши</b>
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи, Шу жумладан:	24 427	39 934	54 888	69 496	100 949	76 522
-ипотека кредитлари	14 046	20 326	28 301	35 946	46 460	32 414
-истеъмол кредитлари	7 622	3 177	5 737	9 429	25 234	17 612
-микроқарз	955	5 492	12 237	12 795	14 651	13 696
-тадбиркорлик учун микрокредитлар ва бошқалар	1 804	10 939	8 613	11 326	14 604	12 800
Банкларнинг жами кредит қўйилмалари	167 288	211 581	276 975	326 386	390 049	222 761
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг жами кредит қўйилмалар таркибидаги улуши, фоизда	14,6	18,9	20,0	21,3	25,9	11,3

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.  
[www.pedagoglar.org](http://www.pedagoglar.org)

Таҳлил қилинган даврда тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 14,6 фоиздан 25,9 фоизгача ошиб, 2023 йил 1 январ ҳолатига 100 949 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур чакана кредитлар таркибида, ажратилган кредитларнинг асосий қисми ипотека кредитлари (жамига нисбатан 46 фоиз) ташкил этган. Истеъмол кредитлари (жамига нисбатан 25 фоиз) ва микроқарз (жамига нисбатан 15 фоиз) каби амалиётлари сўнгги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганини кўриш мумкин.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар шартлари ва унинг қулайлиги, кредит олишда турли тўсиқларнинг камайиб бораётганлиги, банкларда кредитлаш ҳажмининг ошишига хизмат қилмоқда. Биргина тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2022 йилда (100 949 миллиард сўм) 2021 йилга нисбатан (69 496 миллиард сўм) 1,45 баробарга ёки 31 453 миллиард сўмга ошганлиги ушбу ҳолатни тасдиқлайди.

Ҳар бир кредитни тизимли назорат қилишда кредит рискинни чуқур таҳлил ҳамда кредит таъминотининг (асосан гаров мулки) бозор баҳоси асосида муаммоли кредитларни ҳамда хорижий валютада берилган ҳаракатсиз кредитлар улушини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилади.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар республика иқтисодиётида муҳим ўрин тутиши ўз-ўзидан аниқ. У жисмоний ва юридик шахслар моддий техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиб, асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларини тузиш, тиклаш ва кўпайтириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Банклар ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларида қўшимча қарз маблағлари юзага келишининг асосий манбаи бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини қайта тузилмалаш, фаол иқтисодий сиёсат юритиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилишга ёрдам беради.

Иқтисодиёт ва банк иши ривожланишининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг чакана кредитлаш йўналишини доимий такомиллаштириб бориш талаб этилади. Тижорат банкларининг чакана кредитлари иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, инсон капиталини ривожлантиришга, мавжуд шахсий жамғармаларни инвестицияларга айлантиришга, шунингдек, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик имкониятларини амалга оширишда муҳим аҳмият касб этади.

Банк молия тизимининг беқарор ривожланиши шароитида банклар олдида кредит портфелининг сифатини бошқариш муаммоси, хусусан чакана кредитлаш борасидаги сиёсатини доимий такомиллаштириш талаб этилади. Ҳозирги вақтда банклар кредит портфелида жисмоний шахсларнинг муддати ўтган қарздорликлари улушининг кўпайиши, банкнинг ўз капитали ва чакана кредитлар бўйича рискларни қоплаш нуқтаи-назаридан захиралар етарлилигига қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Бунинг учун тижорат банкларида чакана кредитлаш жараёнларини оптималлаштириш ва жисмоний шахслар кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тизимларини такомиллаштириш чораларини кўриш лозим бўлади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Hennievan Greuning, SonjBrajovic Bratanovic Analyzing banking risk. The Word bank, Washington, D.C. 2007 y. 289 p.

2. Yang Yang. Does high-quality auditing decrease the use of collateral? Analysis from the perspective of lenders' self-protection // China Journal of Accounting Research 7 (2014) pp. 203-221 [www.elsevier.com/locate/cjar](http://www.elsevier.com/locate/cjar).

3. Кудряшов С. В. Потребительский банковский кредит: ресурсное обеспечение и эффективность: автореф. дис. на получение наук. степени канд. экон. наук: спец. 08.00.08. «Деньги, финансы, кредит» - Ирпень, 2007. - 19 с.

4. Лаврушин О.И. “Банковское дело: современная система кредитования”: учебное пособие - М.:КНОРУС, 2016. - 360 с.

5. Якимова Е.М. Концепция равновесия системы конституционного регулирования предпринимательской деятельности. - "Юстицинформ", 2020 г. <http://ivo.garant.ru/#/document/77392880>

6. Куллиев И.Я. “Кредит баҳосининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент - 2010. 5-6 б.

7. Холмаматов, Ф. К. (2021). РЕСПУБЛИКАМИЗ БАНК ТИЗИМИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. Scientific progress, 2(2), 488-495.

8. Kholmatov, F., Khannaev, S., & Ruzimorotov, O. (2021). Assessment Of The Competitive Environment In The Bank Market Of Uzbekistan Through "Bun" Indicator. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry, 12(7).

9. Kubaevich, K. F., Abdullayevna, Q. Z., Axmadjanovna, S. G., & Makhmudovna, K. R. (2020). The modern state of crediting practices of commercial banks of the republic of Uzbekistan. Journal of Critical Reviews, 7(7), 387-390.

10. Chartayev Asqar, & Xolmatov Farhod. (2022). THE PROFITABILITY INDICATORS OF COMMERCIAL BANKS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR MODERN STATE. World Economics and Finance Bulletin, 8, 141-148. Retrieved from <https://www.scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/710>

11. Kholmatov, F. (2023). The Importance and Role of Bank Capital in Ensuring the Stability of the Banking System. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10825377>

12. Xolmatov, F. (2023). Bank tizimi barqarorligini oshirishda kredit risklarining ahamiyati va ularni kamaytirish yo‘llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(9). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/953>

13. Xolmatov, F. (2024). Banklar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda bank zaxiralaridan kompleks foydalanish zarurati va amaliyoti. YASHIL

IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(8). Retrieved from <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/952>

14. Исаков Ж.Я. / Тижорат банкларида кредит самарадорлигини ошириш стратегиялари / “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил.

15. Kubayevich, K. F. . (2024). Current Analysis and Current Issues of Ensuring the Financial Stability of the Banking System in Uzbekistan. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 4(3), 169–176. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/2681>

16. <http://stats.bis.org:8089/statx/srs/table/f3.1?f=xlsx>